



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko‘chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-31-54-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сон қарорига асосан қурилиш-монтаж ҳудудига тушган турар ва нотурар жойларнинг бузилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарорининг 6-иловасига мувофиқ 2020-2025 йиллар давомида 4Р-105 “Дарбанд қ.-Бойсун ш.-Элбаён қ.” автомобиль йўлининг 5-70 км қисмини ва 4Р-100 “Мангузар қ.-Жарқўргон ш.-Бандихон қ.-Олтинсой қ.-Денов ш.” автомобиль йўлининг 128-174 км қисмида реконструкция қилиш ишларини амалга оширишнинг манзилли Дастури (кейинги ўринда - Дастур) тасдиқланган.

Дастурдаги 4Р-105 “Дарбанд қ. -Бойсун ш. -Элбаён қ.” автомобиль йўлининг 5-70 км қисмини ва 4Р-100 “Мангузар қ.-Жарқўргон ш. -Бандихон қ. -Олтинсой қ. -Денов ш.” автомобиль йўлининг 128-174 км қисмини реконструкция қилиш бўйича қурилиш-монтаж ҳудудининг йўл ёқасида бузилишга тушган турар ва нотурар жойлар Бойсун, Бандихон, Олтинсой ва Денов туман ҳокимликларининг жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган хатлов натижасида Бойсун, Бандихон, Олтинсой ва Денов туманларида 4Р-105 ва 4Р-100 автомобиль йўлларини реконструкция қилиш бўйича қурилиш-монтаж ҳудудининг йўл ёқасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилишга тушган жами 158 та турар ва нотурар жойларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олишда 33,9 млрд.сўм маблағ талаб этилиши аниqlangan.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 30-сонли йигилиш баёнининг 11-бандига мувофиқ лойиха доирасида бузишга тушган турар-жой ва нотурар-жойлар эгаларига ҳисобланган 33,7 млрд. сўмлик компенсация тўловларини республика марказлаштирилган жамғармаси ҳисобидан қонунчилик доирасида тўлаб берилишини таъминлаш белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, кун тартибидаги масалалар бўйича амалга оширилиши белгиланган ишларнинг ижроси муҳокама қилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 30-сонли йигилиш баёнининг 11-бандига мувофиқ лойиха доирасида бузишга тушган турар-жой ва нотурар-жойлар эгаларига ҳисобланган 33,7 млрд. сўмлик компенсация тўловларини республика марказлаштирилган жамғармаси ҳисобидан қонунчилик доирасида тўлаб берилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Дастур ижроси юзасидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича худудий Кенгаши ҳамда Бойсун (А.Жўраев), Бандиҳон (Ў.Чориев), Олтинсой (А.Джумаев) ва Денов туман (Р.Пардаев) ҳокимларининг ҳисботлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosари, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаларидан маблағ ажратиш бўйича худудий кузатув кенгаши раиси (Ф.Маманов) ўн кун муддатда Республика жамғармаси кузатув кенгашидан 33,7 млрд. сўм маблағ ажратилиши бўйича асослантирилган таклиф киритсин;

4. Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosари, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаларидан маблағ ажратиш бўйича худудий кузатув кенгаши раиси (Ф.Маманов), Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев), Бандиҳон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев), Олтинсой тумани ҳокимлиги (А.Джумаев), Денов тумани ҳокимлиги (Р.Пардаев) лойиха доирасида бузишга тушган турар-жой ва нотурар-жойлар эгаларига ҳисобланган компенсация тўловларига Республика жамғармасидан ажратилган маблағларнинг етишмайдиган қисмини қонунда белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ажратиш чораларини кўрсин.

5. Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов), вилоят Ғазначилик бошқармаси (Р.Хамраев)лар Бойсун, Бандиҳон, Олтинсой ва Денов туманларида 4Р-105 ва 4Р-100 автомобиль йўлларини реконструкция қилиш бўйича курилиш-монтаж худудининг йўл ёқасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 158 та турар ва нотурар жойларнинг бузилиши сабабли жамғарма маблағлари ҳисобидан тўланадиган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назоратга олсин.

6. Бойсун тумани (А.Жўраев), Бандиҳон тумани (Ў.Чориев), Олтинсой тумани (А.Джумаев) ва Денов тумани (Р.Пардаев) ҳокимлклари мазкур тасдиқланган дастурдаги, 4Р-105 “Дарбанд қ. -Бойсун ш. -Элбаён қ.” автомобиль йўлининг 5-70 км қисмини ва

4Р-100 “Мангузар қ. -Жарқўргон ш. -Бандиҳон қ. -Олтинсой қ. -Денов ш.” автомобиль йўлининг 128-174 км. қисмини реконструкция қилиш бўйича қурилиш-монтаж худудининг йўл ёқасида бузилишга тушган турар ва нотурар жойларнинг бузилиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори талаблари асосида ташкил этсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ва туман (шаҳар) ҳокимлклари ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишлари бўйича бош мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори талаблари асосида материалларни қўриб чиқиб, очиқ муҳокамани ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қиласин.

8. Юқоридаги барча белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ушбу қарорда белгиланган мансабдор шахслар томонидан ҳар чорак юкунида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиши масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Жураева) зиммаларига юклансин.

10. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.